

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ”

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-ўқув курси 317-гуруҳ курсанти

Мажидов Шохжаҳон Комилжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

*Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини
таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант*

Маматов Шермуҳаммад Илхом ўғли

Аннотация (Abstract): Мақолада Ўзбекистонда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда маҳалла тизими ва профилактика инспекторлари фаолиятининг аҳамияти таҳлил қилинган. Айниқса, маҳаллада «маҳалла еттилиги» тизими орқали маҳаллий аҳоли муаммоларини аниқлаш, профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш ва хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорлик қилишнинг самараси муҳокама қилинган. Мақолада ички ишлар органлари, давлат органлари ва жамоатчилик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, амалиётдаги қўлланилиши ва жамиятда хавфсиз муҳитни яратишдаги роли очиб берилган. Шунингдек, мақолада хотин-қизлар фаолининг профилактика инспектори билан ҳамкорлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда самарали механизмлар таъкидланган.

Калит сўзлар (Keywords): Маҳалла еттилиги, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, маҳаллада ҳамкорлик, ижтимоий профилактика.

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда мохирлик билан фойдаланиш зарур¹

¹ Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – № 2. – С. 8-17.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз- амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда²².

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти куришнинг муҳим асосларидан бири сифатида давлат бошқарувини амалга ошириш ҳамда маҳаллий аҳамиятдаги муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминловчи тизим яратилмоқда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими – маҳалла институти яратилиб, у аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқиб, жамиятдаги манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда маҳалла илгари давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари ваколатида бўлган ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги 30 дан ортиқ вазифаларни бажарикда. “Сўнгги йилларда маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳаллалардаги муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишда давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакиллариининг имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди” (Қарор, 2024). Жумладан, дастлаб «маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат „бешлик тизими“ ташкил этилди. Лекин уларнинг ўзаро мувофиқ ишлашида камчиликлар, жуда кўп такрорланишлар бор. ... Маҳаллаларнинг бошқарув ходимлари сони солиқчи ва ижтимоий ходим кўшилиши ҳисобига 5 тадан 7 тага кўпайди. Маҳалланинг ўзида 70 дан ортиқ масала, жумладан, моддий ёрдам ва кредитлар ҳал этилади. Тизим эса тўлиқ рақамлаштирилади. Шунингдек, маҳалла раисининг ваколатлари кенгайди” (Элшод, 2023). “Маҳалла еттилиги” –

²² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

бу муайян маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ҳудудни ривожлантиришнинг ички ресурс ва имкониятларини мақсадга мувофиқ сафарбар этиш орқали самарали ҳал этишда маҳалла раиси ҳамда муҳим йўналишлар бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳал этишга асосланган бошқарувнинг янги тизими. У ўзининг мазмуни ва ташкилий тузилиши жиҳатидан ноёб тизим бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги реал воқелиklar асосида такомиллаштирилиб, ташкилий-иқтисодий механизми ривожлантирилиб борилмоқда.

Айниқса, муайян маҳаллада жамоатчилик асосида фаолият юритувчи фуқаролар йиғини раиси ҳамда бошқа мутахассис-ҳодимлар (ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспектори) ўртасидаги меҳнат муносабатлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишда таъсирчан механизмнинг яратилиши муҳим ҳисобланади. Бу борада ҳодимларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу жараёнлар ўз мазмунига кўра янги бўлганлиги сабабли мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонунида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгиланган³.

Мазкур қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қабул қилиши, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўриши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши, мумкинлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга ошириши аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонун

эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриши, тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги ваколат сифатида белгилаб берилган. Шунингдек ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига кирувчи субъектлар сифатида қайд этилган. Жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан бевосита ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик- иш фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир мақсадни кўзлаб белигиланган ишда биргалашиш, уни тенг бажариш тушунилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлик -ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларга асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар

органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини шартли равишда ички идоравий ҳамкорлик ва ташқи ҳамкорлик турларига ажратишимиз мумкин. Ички идоравий ҳамкорлик – яъни, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигидир. Ташқи ҳамкорлик-ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги. Бунга, ички ишлар органларидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлиги тушунилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги биринчидан, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда, иккинчидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишда, учинчидан, аҳолининг барча қатламларига нисбатан бирдай профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-209-сон фармонида Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилиши, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолининг вазифалари, жумладан Хотин-қизлар фаолига хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш, ҳар ойда бир маротаба ҳазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганиш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва профилактика инспекторига хабар бериш вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг – 2025-йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар

тўғрисида 03.01.2025 йилдаги ПҚ-1-сон қарорида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақоянги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга ошириш, шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонун бузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, масъул давлат органлари ва ташкилотларининг республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини 2025 йилда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида: «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланган ҳолда қуйидаги ишлаш механизмлари жорий этилмоқда:

биринчидан, 2024 йилда жинойт содир этилган ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда жинойтларни барвақт профилактика қилишнинг маҳаллалар кесимида чораклик манзилли чора-тадбирларини белгилаган ҳолда маҳалла —туман —вилоят даражасида унинг ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни бириктириш ва аниқ соҳавий жавобгарликни юкланмоқдаки, бу ҳар бир жинойтни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда “маҳалла еттилиги” тизимининг жорий этилиши барча маҳаллалардаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисида батафсил манзара тўғрисида маълумотга эга бўлиш, вухудга келаётган ҳар бир муаммони тезлик билан аниқлаш, уни ҳал этиш борасида мавҳуд имконият ва ресурслардан келиб чиққан ҳолда таъсирчан ҳаракатларни амалга ошириш имконини яратди. Шу билан бирга, янги тизим маҳаллада турли йўналиш вакиллари – ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини уйғун ҳолда амалга оширилишини таъминловчи механизмга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Мамлакатимизда “маҳалла еттилиги” тизимининг жорий этилиши барча маҳаллалардаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисида батафсил манзара тўғрисида маълумотга эга бўлиш, вухудга келаётган ҳар бир муаммони тезлик билан аниқлаш, уни ҳал этиш борасида мавҳуд имконият ва ресурслардан келиб чиққан ҳолда таъсирчан ҳаракатларни амалга

ошириш имконини яратди. Хулоса қилиб айтанда “Маҳалла еттилиги” тизими – бу Ўзбекистон халқининг миллий ва тарихий қадриятлари, менталитети ва анъаналарини муҳассамлаштирган маҳалла доирасида ўзини ўзи бошқаришнинг замонавий жиҳатларни уйғунлашган ўзига хос бўлган ноёб шакли ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
2. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан –ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.
3. Ahmad o'g'li S. M. et al. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ //Modern education and development. – 2025. – Т. 26. – №. 1. – С. 171-176.
4. Чориев М. А. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ //ХАБАРШЫСЫ. – 2022. – Т. 3. – С. 156.
5. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.
6. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.
7. ЧОРИЕВ М. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАСНИФИ //UNIVERSITETI XAVARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.
8. Фозилов У. Э. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИ-МОҲИЯТИ //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 9. – С. 4-8.
9. Фозилов У. Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. – 2009.
10. Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.
11. Ниматов Ш. Н. и др. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 229-243.

12. Ниматов Ш. Н. и др. АЁЛЛАР ЎРТАСИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИК: САБАБЛАР, ТАҲЛИЛ ВА ПРОФИЛАКТИК ЁНДАШУВЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 365-379.
13. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.
14. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 380-392.
15. Ниматов Ш. Н. и др. ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА ҲАМДА Е-ЎТМОЎ PROFILAKTIKA ТИЗИМИ: АХЛОҚҚА ҚАРШИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 450-465.
16. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ‘МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ’ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 436-449.
17. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР, АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА САМАРАДОРЛИК //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 390-401.
18. Ниматов Ш. Н. и др. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР //JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. – 2025. – Т. 87. – №. 1. – С. 114-122.
19. Маматов Ш. И. Ў. ТОВАРЛАРНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРИНГ ЎРНИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 143-146.
20. Бўйича Ҳ. П. " ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ Бўйича НОРМАЛАРНИНГ Қўлланилишини ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //ОБРАЗОВАНИЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.